



## ДЎСТЛИК, АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 2017 йил 5-6 октябрь кунлари давлат таърифи билан мамлакатимизда бўлди.**

Таъриф доирасидаги асосий тадбирлар 5 октябрь кунини Қўқсарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарлари аввал тор доирада, кейин кенгайтирилган таркибда музокара-лар ўтказди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги 1996 йил 24 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланмоқда.

Кейинги бир йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига янги саҳифа очилди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 5-6 сентябрдаги Қирғизистон Республикасига давлат таърифи икки томонлама муносабатларда тарихий воқеа бўлди. Унда савдо-иқтисодиёт, транспорт, энергетика, маданият соҳаларида ва чегаралар масаласида имзоланган ҳужжатлар ўзаро алоқаларни янги босқичга қўтарди.

Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг мамлакатимизга келгани мазкур тарихий таърифнинг мантикий давоми сифатида баҳоланди.

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, яқин дўст ва қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз, маданияти ва диний қадриятларимиз, аъёна ва урф-одатларимиз муштарак.

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва савий-ҳаракатлари натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари янада мустаҳкамланди. Ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар таърифлари амалга оширилмоқда ва бу улкан самаралар бераётди.

Давлатларимиз халқаро доирада бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. БМТ, ШҲТ, МДХ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позициялари бир-бирига мос ёки яқиндир.

Мамлакатларимиз бутун минтақада тинчлик ва хавфсизлик мустаҳкамланишидан манфаатдор. Учрашувда халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, транс-миллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларидан минтақанинг барча давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, оқилона ва комплекс фойдаланиш бўйича икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар мазкур соҳада ўзаро мақбул, узоқ муددатли, барқарор механизмларни ишлаб чиқиш, сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш учун мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказди.

Музокараларда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва ҳудудларо ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, маданият ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия бу борада муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар яқинда ўшда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада иштирок этди. Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга давлат таърифи доирасида «Ўзэкспомарказ»да саноат маҳсулотлари кўргазмаси ва бизнес-форум ташкил этилди.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон ва Қирғизистон саноат маҳсулотлари кўргазмаси билан танишиди.

**Анвар САМАДОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

2017 йилнинг 6 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар кўпгина масалаларни кўриб чиқдилар. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Парламент қўйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда ҳар томонлама ўрганиб чиқилган эди.

Депутатлар ўз ишларини «Формали кийим-бошларни тасдиқлаш, тайёрлаш ва кийиб юриш механизми тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Ушбу қонун лойиҳаси формали кийим-бошларни тасдиқлаш, тайёрлаш ва кийиб юриш механизми тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ва ҳодимларининг тасдиқланган намунадаги ҳарбий, идоравий ва махсус формали кийим-бошини қонунга ҳилоф равишда кийиб юрганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги модда билан тўдирилмоқда.



Шундан сўнг депутатлар оилавий ажралишларнинг олдини олишга, шу жумладан, ушбу масала юзасидан маҳаллаларнинг тутган ўрнини қучайтириш орқали олдини олишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ҳозирги вақтда фуқаролар йиғинлари ҳузурида яраштириш комиссиялари иш юритаётган бўлиб, улар оилавий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш, яъни оилавий низоларни судга қадар кўриб чиқиш билан шугулланаётганлиги депутатлар томонидан таъкидланди. Киритилаётган янги қоидаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига судлар ва ФХДЭ органлари томонидан уларнинг иш юритувида никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар мавжудлиги тўғрисида яраштириш комиссияларини хабардор қилишга доир қоидаларни белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур чора яраштириш комиссияларига юз бериш мумкин бўлган ажралишлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ва эр-хотинларни яраштиришга ҳаракат қилиб кўриш имконини беради.

Сўнгра депутатлар парламент ва депутатлик назорати соҳасидаги жавобгарликни қучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ушбу ўзгартиш

давлат органлари томонидан депутатлик сўровларининг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишига хизмат қилади.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 12 июлда депутатлар, сенаторлар ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ташаббус қилинган эди. 2017 йилда Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 284 та депутатлик сўрови юборилганлиги қайд этилди. Бироқ, статистика шуни кўрсатадики, 100 та депутатлик сўровига жавоблар мuddатлар бузилган ҳолда етиб келган, 24 та сўров бўйича эса умуман жавоблар берилмаган.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Жиноий, Фуқаролик кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан кўриб чиқилди.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунда белгиланган қўйилганки, одам савдоси қурбонлари мажбур қилиш ёки таҳдид остида содир этилган қилмишлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик, маъму-

рий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади. Аммо ушбу норма амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд эмас. Депутатлар томонидан кўриб чиқилган қонун лойиҳаси ушбу қамчиликни бартараф этишга қаратилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳаси, депутатлар таъкидлаганидек, инсон ҳуқуқларининг кафолати ва ҳимоясини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Қизиқарли баҳс-мунозара руҳида ўтган мажлис давомида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳалари юзасидан депутатлар бирлашмалари ўз нуқтаи назарларини билдирдилар.

Мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг  
Ахборот хизмати.**

## ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБ: МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ВОҚЕЛИК

2017 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни қучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) ратификация қилинган конвенциялари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш, ХМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, ушбу соҳада ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича қатор тадбирлар назарда тутилган.

Сенаторлар, бир қатор хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари, халқаро ташкилотлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, фермерлар, ёшлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида ушбу мавзу муҳокама қилинган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Отахонов, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З.Низомхўжаев ва бошқалар мамлакатимизда фуқароларнинг кафолатланган меҳнат

ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу жиҳатлар Конституциямизда, қонун ҳужжатларида ўз аксини топганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти билан яқин ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамламоқда. Мазкур ташкилотнинг 14 та конвенцияси, жумладан, болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик тўғрисидаги конвенцияларини ратификация қилган. Ҳозирги вақтда фуқароларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир бир қатор чора-тадбирларни назарда тутувчи 2017-2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда болалар ва мажбурий меҳнатга қарши таъсирчан чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол

иштирок этаётгани, айниқса, самарали кечмоқда.

Халқаро пресс-клуб сессиясида мажбурий меҳнат хавфига йўл қўймасликка қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Бу борада мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, хусусан, пахта ҳосилини машинада териш ҳажмини қўлайитириш, шунингдек, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларини ўтказишда бозор механизмларини, инновациялар ва фан ютуқларини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш долзарб саналади.

Мазкур йўналишда амалий савий-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Жумладан, тежамкор ва замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини ўзлаштириш, мавсумий ишга жалб қилишнинг самарали усулларини жорий этиш, ишсизлар бандлигини таъминлашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш каби чора-тадбирлар янада такомиллаштирилмоқда.

Тадбирда Жаҳон банки мутахассислари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни, янги иш ўринлари яратиш каби ташаббусларни қўллаб-қувватлашга ҳамиша тайёр эканини қайд этди. Фермерлар ишчи-ҳодимларни рағбатлантириш, уларга муносиб шароитлар яратишдан бирдек манфаатдорлигини билдирди. Спикерлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

**Улғубек АСРОРОВ,  
ЎЗА мухбири.**

## СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР:

ТАЪСИРЧАНЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН  
НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Одамларни янгича фикрлашга ундаш, ижтимоий-сиёсий фаолликни ошириш партия ташкилотлари олдидagi долзарб вазифалардан саналади.

Бу борада Ўзбекистон ХДП томонидан сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил этилаётган тадбирларнинг самарадорлиги, ҳаётининг таъминлаш долзарб аҳамият касб этади. Тарғиботчилар ҳамда экспертлар гуруҳи, депутатлар ва сиёсатшунослар иштирокида ўткази-

лаётган ўқувларда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар мазмун-моҳияти, уларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш масалалари атрофлича муҳокама этиляпти.

Сиёсий ўқувлар самарадорлигини ошириш учун бугун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш, қандай усуллардан фойдаланиш зарур? Партия ташкилотларининг бу борадаги тажрибалари қандай?

Аброр ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон ХДП  
Марказий Кенгаши сектор мудир:

Тўра НОРБОВЕВ,  
Ўзбекистон ХДП Марказий  
Кенгаши эксперти:

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларида 16122 мартаба сиёсий ўқув ўтказилди. Жумладан, марказий даражада 10, минтақавий даражада 151, маҳаллий даражада 1638 ва бошланғич партия ташкилотларида 14300 дан ортиқ семинар бўлиб ўтди.

Сиёсий машғулотларда депутатлар ва ҳуқуқшунослар иштироки яхши самара бермоқда. Улар янги қабул қилинаётган қонунлар аҳамияти, сиёсий партия ва депутатларга берилган ваколатлар, депутатлик назорати масалаларида аъзоларимизга атрофлича тушунча бермоқда.

Аммо жойларда барча ўқув семинарлар ҳам юқори савияда ташкил этиляпти, деб бўлмайди. Хусусан, муайян босқичларда сиёсий ўқувларни ўтказиш жараёнида иштирокчилар рўйхати аниқ белгилаб олинмайди. Баъзи туман ва шаҳар кенгашлари ўқувлар бошланғич партия ташкилотларида ўтказилишига эътиборсизлик билан қараяпти. Айрим ҳолларда икки ёки уч мавзудаги ўқувлар битта тадбирнинг ўзиде ўтказилади. Бундай ҳолатларда мавзу тўла очилмай қолади, аудиториядан етарлича фикр ва таклифлар олиб бўлмайди. Бундан ташқари, мутахассислардан саволларга батафсил жавоблар олинмаслиқ ҳолатлари ҳам юзага келади.

Қадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган ўқувлар, тарғибот тадбирлари, лойиҳаларни амалга оширишда тизимлиликни таъминлаб бориш талаб этилади. Афсуски, бу борада ҳанузгача тизимли фаолият йўлга қўйилгани йўқ. Масалан, ўтган давр ичида Қорақалпоғистон Республикасининг Хужайли ва Мўйноқ, Жиззах вилоятининг Янгиобод, Навоий вилоятининг Конимех, Нурота туманлари, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳар, Бойсун, Жарқўрғон, Мурабод, Термиз туман, Хоразм вилоятининг Қўшқўпир, Шовот туман кенгашлари сиёсий ўқувлар ўтказмаган.

Маълумки, партияимиз тизимида 10 мингта яқин бошланғич ташкилот бор. Кейинги вақтларда қўйи бўғинлар эътиборимиздан четда қолаётгандек, назаримда. Бунга тарғибот-ташвиқот ишлари бошланғич партия ташкилотларининг атиги 11 фоизда ўтказилаётганида ҳам кўриш мумкин. Агар сиёсий ўқувлар ҳар бир БПТда мунтазам ўтказилса, аъзоларимизнинг фаоллиги янада ортиб бўларди.

Ўтказиладиган ўқувлар, аввало, партия Сайлов олдиде дастурининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, чуқур таҳлилларга асосланиши, аниқ тавсияларга эга бўлиши, партияимизнинг жамиятдаги нуфузини оширадиган янги гояларни илгари суришга хизмат қилиши керак.

Ҳар бир тадбирда партия электорати манфаатларига жавоб берувчи аниқ ижтимоий масалалар муҳокама этилиши зарур.

— Мустақил дунёқарашга эга, сиёсий билими юқори, бир сўз билан айтганда, маърифатли киши давлат ва жамият олдидеги бурчини чуқур ҳис этади ва астойдил ишлайди. Бундай кишилар ҳар бир воқеа-ҳодисага синчковлик билан қарайди, камчиликларни муҳокама қилиб, бартараф этишга доир аниқ фикр айта олади. Шу маънода биз сиёсий ўқувлар деб атаётган тадбирларнинг аҳамияти катта.

Акмал ТУРСУНБОВЕВ,  
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши  
раиси в.б.:

— Вилоятда 14 минг нафарга яқин партияимиз аъзоси 334 бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашини кенгайтириш, партия ташкилотлари олдиде турган устувор вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Шу йилнинг ўтган даврида туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда йирик бошланғич партия ташкилотларида 750 га яқин ўқув ўтказилиб, уларда 16 минг нафардан ортиқ тингловчи қатнашди.

Сиёсий маърифат тизимида ташкил этиладиган ҳар бир тадбирда пухта тайёргарлик қўрилади. Маърузачилар мавзуларни ҳаётини мисолларда тингловчиларга тушунтириб боришапти. Сўхбатларни маърузалардан воз кечиб, баҳс-мунозара шаклида олиб боришга эътибор бераямиз.

Равшан АБДУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон ХДП Наманган  
вилоят кенгаши раиси в.б.:

— Шунга айтиш керакки, семинарларда электорат вакиллари, аниқсика, ёшлар катта қизиқиш билан иштирок этипти, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришти.

Бироқ айрим семинарларда жонли баҳс-мунозара, фикрлар хилма-хиллиги етишмайди. Маърузачилар олдиде тайёрлаб келинган расмий матнларни ўқиб беришади. Бундай пайтда фикр алмашиш, таклифлар айтиш қийин бўлиши табиийдир. Чунки

муҳокамага қўйилган мавзу иштирокчиларда қизиқиш уйғотмайди, уларга таъсир қўрсатмайди. Натижада тадбирларнинг самарадорлиги пасаяди.

Очигини айтиш керак, биз сиёсий ўқувлар таъсирчанлигини кучайтириш масаласига охири пайтларда жиддий эътибор бермай қўйдик. Ваҳоланки, бу борада фойдаланиш мумкин бўлган имкониятлар ҳали кўп. Яна бир камчилигимиз — бошланғич ташкилотларни ўқувларга кенг қамраб ололмаётимиз. Масалан, Норин, Чуст ва Мингбулоқ туман партия кенгашлари бошланғич ташкилотларда сиёсий ўқувларни юқори савияда ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратмаёпти.

Ҳаётини мисоллардан фойдаланиш талаб этилади. Семинар фаол ўқув машғулоти бўлиб, унда олдиде танлаб олинган мавзу тингловчилар томониде биргаликда муҳокама қилинади. Шундай экан, сиёсий ўқувни фикр алмашув, мулоқот тарзида ўтказишга ҳаракат қилиш лозим.

Ўқув машғулотида илғор сиёсий технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация воситалариде фойдаланиш зарур. Шунда қайси даражада ташкил этилмасин, сиёсий ўқувларнинг аҳамияти, таъсирчанлиги юқори бўлади, қўзланган мақсадга эришилади.

Бироқ очигини айтиш керак, бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас. Масалан, Сирдарё, Оқолтин туманларидаги партия фаоллари сиёсий ўқувлар самарадорлигини янада ошириш, таъсирчанлигини кучайтириш учун изчил изланиши керак. Бошланғич ташкилотларда машғулотларнинг аксарияти ҳужажўрсинга ўтказилапти. Ҳар бир туман партия кенгаши фаоллари мазкур камчиликдан тегишли хулоса чиқариб фаолиятини жонлантириши талаб этилади. Чунки қайси йўналиш ва бўғинда бўлишдан қатъи назар, ишнинг тўғри йўлга қўйилган партиягина жамиятда ўзининг мавқеига эга бўлади, нуфузи мустаҳкамланади.

Ўқувларда аудитория биле очик мулоқот қилиш, уларнинг фикрлари ва кўпроқ муаммоларини эшитиш, саволларига тўғри, аниқ жавоблар бериш лозим. Қатнашчиларни гуруҳларга ажратган ҳолда, мавзу бўйича саволлар бериш, уларни фикрлашга ундаш, таклифларини тинглаш зарур. Фикрнинг кўпчилики олдиде айтишга ийманадиган иштирокчилар бундай пайтда ўзини эркин ҳис қилади.

Шунингдек, бу ҳудудларда ташкил этилган машғулотлар бошқа туман ва шаҳарларга қараганда анча кам. Жорий йилда улар фаолиятини жонлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўқувлар таъсирчанлигини ошириш учун семинарда сўзга чиқиши мўлжалланаётган мутахассисларни танлашга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайман. Ўз ҳоҳсини пухта биладиган мутахассисларни таклиф этсак, мавзу юзасиде эркин фикр юритиладиде, одамларнинг саволларига ҳам жавоб беради.

Гулрух ОДАШБОВЕВА,  
«Ўзбекистон овози» мушбири.

## Қонун лойиҳаси муҳокамада

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-моддасига ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси қизғин муҳокамалардан сўнг маъқулланди.

ДЕПУТАТЛИК  
СЎРОВИГА  
БЕПИСАНДЛИК

жавобгарликка олиб келади



Баҳром ОБИДЖОНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасидаги  
Ўзбекистон ХДП  
фракцияси аъзоси:

— Депутат ва сенаторлар халқ вакиллари. Улар фуқаролардан бўлаётган муносабатлар, турли муаммолар масалаларини ҳал этишда бевосита иштирок этади. Бу жараёнда депутатлик сўрови юбориш уларнинг қонуний ваколати ҳисобланади. Шундай сўров орқали давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти устиде депутатлик назорати амалга оширилади ва қонунлар ижросига ўзига хос таъсир қўрсатилади.

Маълумки, қонунга кўра, депутатнинг тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қараганда масалалар юзасиде асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби қўрсатилган муносабат депутатлик сўрови ҳисобланади. Депутат сўрови судларнинг раисларига, прокурорларга, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига ҳам йўллангани мумкин.

Аммо жойларда мансабдорлар орасиде депутатлик сўровларига беписандлик билан муносабатда бўлинадиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. 2017 йил 12 июлда депутатлар, сенаторлар ва сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган эди. Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида 2017 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томониде 284 та депутатлик сўрови юборилгани, аммо статистик таҳлиллар қўрсатишича, улардан 100 тасига белгиланган муддатдан кечикиб жавоб берилгани, 24 таси бўйича эса умуман жавоб берилмагани қайд этилган эди.

«Депутатга беписандлик — халққа беписандлик деб баҳоланиши шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўқсинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдиде жавоб беради», дея қатъий таъкидлангани ҳам бежиз эмас.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-моддасида депутатлик фаолияти қафолатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Аммо ушбу модда давлат органлари мансабдор шахсларининг депутат сўровига ўз вақтида жавоб бермаганлиги ёки белгиланган муддатни бузиб жавоб берганлиги учун етарли даражада жавобгарлигини кўзда тутмайди. Бунинг натижасида йиллар давомида айрим мансабдорлар орасиде депутатлик сўровларига эътиборсизлик қайфияти шаклланиб келган.

Мисол учун, Олий суд томониде тақдим этилган статистик маълумотларга кўра, 2010 йилдан 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигига қадар бўлган даврда судлар томониде Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг фаолияти қафолатлари бузилганлиги бўйича бирорта ҳам маъмурий иш қўриб чиқилмаган. Маҳаллий Кенгашлар депутатларига фаолияти қафолатларини бузганлик учун 2015 йилда 2 нафар шахсга нисбатан 2 та, 2017 йил биринчи ярим йиллигиде 3 та шахсга нисбатан 3 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўриб чиқилган, холос.

Масаланинг долзарблиги ҳисобга олиниб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томониде Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-моддасига ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Унга мувофиқ, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари депутатлар ҳамда сенаторлар сўровларига ўз вақтида жавоб бермаслиги, атайлаб сохта маълумот бериши, депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг қафолатларини бузиши, худди шунингдек, давлат органининг мансабдор шахслари парламент сўровини, депутат, сенатор сўровини қўриб чиқмаслиги ёки уларни қўриб чиқиш муддатларини узурли сабабларсиз бузиши ёхуд улар юзасиде била туриб нотўғри маълумотларни қасддан тақдим этиши энг кам иш ҳақининг уч баравариде етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Таклиф этилаётган ўзгартиш депутат ва сенаторларнинг сўровлари ўз вақтида ва сифатли қўриб чиқилишида давлат органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини янада оширади. Жамиятда қонун устуворлиги қафолатлари мустаҳкамланишига хизмат қилади.

## ЎЗХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ — МУҲИМ БОСҚИЧ

Фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши кўп ҳақдан мактабга таълим муассасасидаги тарбияга боғлиқ. Илмий кузатишлар ва тадқиқотлар шунга қўрсатадики, инсон умри давомида йиғадиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Бола шахсининг ривожланишида мактабга таълимнинг нечоғли муҳим эканини кўпчилик яхши билади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Мактабга таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда «Мактабга таълим тизимини бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг мазмун-моҳиятига бағишланган сиёсий ўқув бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Гулбаҳор Парниева мазкур қарордан қўзланган мақсад, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича тушунча берди.

Мактабга таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш, тажрибали, юқори малакали, етук педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим тарбия жараёнига жалб

қилиш масалаларида таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

— Ҳозирда тизимда 58 мингдан ортиқ педагог кадр фаолият юритаётган бўлса, шулардан 13 минг 641 нафар олий маълумотли, — дейди Гулбаҳор Парниева. — Мингдан ортиқ номутохассис кадрларни қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш режалаштирилмоқда. Ўрта махсус маълумотга эга кадрларни олий таълим муассасалари сиртки бўлимида ўқитиш ишлари жорий қилинмоқда.

Мактабга таълим муассасалари тарбияланувчиларининг соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш, кўнгилочар ва интеллектуал машғулотлар, серҳаракат ўйин ва машқларни кўпроқ ўтказиш масалалари ҳам алоҳида эътиборга молик. Соғлиқни сақлаш вазирли-



ги билан биргаликда мактабга таълим муассасаларида болаларга табиий хизмат қўрсатиш, уларнинг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида профилактика тадбирлари ўтказилапти.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар мутахассисга

ўзларини ўйлантираётган масалалар юзасиде саволлар берилиди. Имконияти чекланган болаларни мактабга таълим муассасасига жалб қилиш, музика, спорт, чет тилларни ўргатиш мақсадида қўшимча тўғрақлар жорий қилиш тўғриси-

да мулоҳазалар билдирилди. Қарор ва Фармон мазмун-моҳиятини электорат вакиллари ва партия аъзолари орасиде кенг тушунтириш кераклиги таъкидланди.

Адолат УМИРОВА

Айрим ҳолларда икки ёки уч мавзудаги ўқувлар битта тадбирнинг ўзиде ўтказилмоқда.

# ҚАЛБИНИ МОДАДИЯТГА БОҒЛАГАН ИНСОН

Ўзликни, маънавий қадриятларни, охиратни унутати

Одамзот пайдо бўлибдики, комилликка интилиб яшайди, қалбидаги орзу истакларни рўёбга чиқаришни истайди. Комил инсон таълимоти реалликни, моддийликни инкор қилмайди. Балки моддий эҳтиёжлар билангина чегараланиб қолмасликни ўқтиради. Моддий эҳтиёжлар гирдобидида қолган одамда инсоний туйғулар йўқолади, тубанлашув бошланади.

Моддий бойликка ҳаддан ортиқ раббат қўйиб, унинг таъсирига тушиб қолиш барча динларда ҳам қоралangan. Қалбни моддиятга боғлаган киши ўзликни, маънавий қадриятларни, охиратни унутати. Мазкур ҳолат маънавий ҳалокатнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Комил инсон тарбиясида юксак руҳий даражага ва маънавий баркамолликка эга бўлиш уни моддий бойликларга ружу қўймасликка ундайди. Бундан мақсад — моддий эҳтиёжни меъёр даражасида ушлаш ва эзуликка йўналтиришдир. Инсон маънавий покликка, камолотга интилса, юксак ахлоқий фазилатларга эришади. Шунингдек, ўз руҳий оламини меъёрсиз нафс устидан, ёвузлик устидан қилиб келишга тайёрлайди.


Демак, инсон фақат эзгу фикрлар, эзгу сўзлар ва эзгу амаллар билан маънавий камолотга эришади. «Охиратни амалсиз умид қиладиганлардан бўлма, охират сафари учун озуқа бўлмайдиган амаллардан асло фойда йўқ», — дейди машойихлар.

Дунё охират даласидир. Шунинг учун уни чуқурроқ англаш, ҳис қилиш учун қалбни гафлат уйқусидан уйғотиш, яқин ёру биродарлар қабри зиёратига бориб туриш муҳим ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида юртимиздаги барча муқаддас масканлар, меъморий-тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, табаррук қаламжолар қайта таъмирланди, ободонлаштирилди. Қабристонларни сақлаш, қабр усти ёлдорликларини ўрнатish ишларида маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фаоллари ва мурувватли инсонлар бош-қош бўлмоқда.

Бироқ қабристонларда кузатилаётган айрим ноҳус ҳолатлар ташвишли бўлиб қолмоқда. Хусусан, қимўзарга қурилатган ўта ҳашаматли сағаналар, қимматбаҳо нефрит ёки қора мрамрлардан тайёрланиб, одам бўйи қўйилаётган қабр тошлар, «яхшироқ жойни» эгаллаш ёки сағаналар тайёрлаб қўйиш каби ҳолатлар рўй бермоқда.

Бу юқларимиз қабр тошидаги битиклар ажодларимизнинг маънавий олавларига,



фалсафий ҳикматларига назар солиб, улар дунёқарашларини теранроқ таҳлил қилишимизга, халқимизнинг тарихий хотирасини, миллий қадриятларимизни қайта тиклашимизга имкон бермоқда. Бунга мисол қилиб, ислом оламида машҳур бўлган «ал-Боқия» ва «ал-Муовия» қабристонларидан кейинги даражада турган «Чоқардиза» зиёратгоҳи ва бошқа муқаддас масканлардан топилган қабр тошлар битиклари таҳлилини келтириш мумкин. Мазкур амалиёт ўзгичилигини янада чуқурроқ англашга, маънавий оламимизни покланга ва бутун борлиқнинг Яратувчиси бўлмиш меҳрибон Парвардигорга бўлган эътиқоду ишончимизни мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилади. Мавлоно Румий ҳазратлари: «Нафс бир отдир, руҳ унинг чавандози. Нафсни жиловлай олсанг, уни бошқариб бўйсундирсанг, демек сен юксалибсан. Агар у сени бўйсундирса, олиб қочади ва ҳалок этади», — дейди. Нафсдан қилиш учун кучли руҳ, ақл-идрок, онг ва тафаккурга ҳамда юксак маънавиятга эга бўлиш лозим. Бугунги замонавий фан, дунёвий билим ҳам моддий ва руҳий оламни, дунёвий, табиий ва диний илмларни чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Тасавуф таълимотида инсон борлиги, маънавий ҳаёти уч қисмдан иборат эканлиги таъкидланади. Биринчиси — руҳий, яъни туғилмасдан олдинги ҳаёт. Иккинчиси — туғилган ва ўлиш орасидаги, руҳ ва тана (жисм) қатнашган моддий дунё ҳаёти. Она қорнида бошланган бу ҳаётни аксарият алломалар ҳам руҳий, ҳам баданний деб ҳисоблайдилар. Учинчиси — ўлим билан бошланиб, боқий давом этадиган охират ҳаёти.

Машҳур муҳаддис Жалолиддин Суютий «Ўлим — тўла маънада йўқ бўлиш дегани эмас, балки у руҳ билан тана мулоқотининг узилиши ҳамда уларнинг бири-биридан узоқда ва холи бўлиши,

ҳолатнинг ўзгариши, шунингдек, бир диёрдан бошқа диёрга кўчишидир», — деб ёзади.

Қуръони каримнинг «Бақара» сурасида: «Одамлар орасида шундайлар борки, улар худоё, бизга фақат шу дунёда бергин, дейишади. Ваҳоланки, ундайлар учун охиратда ҳеч қандай насиба бўлмас. Яна улар орасида шундай кишилар ҳам бор, улар парвардигор, бизга дунёда ҳам охиратда ҳам яхшилик ато қилгин ва жаҳаннам азобидан ўзинг асра, деган оятларга эътиқод қилишади. Демак, мўминлар ҳар икки дунёдан умидвордир», — дейилади. «Сизларнинг яхшиларингиз — дунё ишини деб охиратни, охиратни деб дунё ишини тарк қилмайдиган ва бошқаларга малол туширмайдиганларингиздир» (Ҳалисдан). Хотира ва қадрлаш кунда қабристонлардаги марҳумлар, шахид кетганлар қабрларини зиёрат қилиб, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш эзгу савоб ҳисобланади.

Муборак ҳалиси шарифларда: «Эй ймон келтирган бандалар, қабрларни зиёрат қилиб туринглар, қабрлар сизларга охиратни эслатади. Зеро, қабрларни зиёрат қилиш қалбни юмшатиб, кўзни ёшлантиради ва фақат яхшиликни кўпайтиради, ўтганларни зиёрат қилинглари, чунки улар зиёратчиларни дўст тутадилар», — деб марҳамат қилинади.

Муқаддас қаламжолар ва қабристонлар тарихи китобларда ва қўллаб манбаларда батафсил шарҳланади. Қабристонларни зиёрат қилиш одоби Қуръони каримда, Пайғамбаримиз ҳалисарида, комиллик даражасига етишган Насафийнинг «Қандия», Абу Тоҳирхўжанинг «Самария», Аҳмад ибн Маҳмуднинг «Тарихи муллозода» сингари тасавуф уламоларининг асарларида келтирилади.

Зиёрат давомида ўтиб кетганлар руҳига бағишлаб дуо ўқиса ва салақа берилса, зиёрат тезроқ мустаҳаб бўлар экан.

Ҳалисда: «Эй ймон келтирган бандалар, дуо қилинглари. Дуо ибодату зиёратнинг маъзи, мўминнинг қўрғони», — дейилади. Шунинг учун хайру эҳсон қилиб, улардан ҳосил бўладиган савобни марҳумлар ҳақида баҳишда айлаш улар учун ҳамма нарсалар маҳбуброқ бўлади.

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари: «Ичингдаги ичингдадир» асариди: «Инсон бу дунёга бир иш учун келади: гоё удир, агар уни қилмаса, ҳеч бир иш қилмаган ҳисобланади. Шу боис бу фаний дунё синов майдонидир», — дейилади.

Демак, инсон дунёга ўзини англаш, комилликка интилиш вазифаларини бажариш учун келади. Ер юзидида яшаган, яшаётган ва яшайдиган ҳар бир инсон вафотидан кейинги ҳаёти учун ўзи биллиб-билмай захира яратар экан. Қачонки, банд бошқа бировлар тақдиридан ўзи учун ибрат ола бошласа, унга маърифат эшиги очила боради.

Буни англамаслик, англашни хоҳламаслик ёки кечиктириш йймон сустлигидир. Бундан қутулиш йўли — покиза қалб эгалари, комил инсон таълимотини ўзига энг тўғри йўл деб билган йймон аҳлининг қалбидан чиққан соф фикр ҳамда пурмаъно эзгу ҳикматларини идрок қилиб, англаб етиш ва унга риоя қилишдир.

Инсон одатда ўлимдан эмас, балки бу дунёдан йймонсиз ўтиб кетишдан қўрқиши керак. Йймон деганда, фақатгина «Йймон» калимасини тилда такрорлашга бўлмай, балки инсон дунёвий ҳамда диний билимларни ақлан ва қалбдан эгаллаб, эзгу ишларни амалда адо этишни ҳам билиши лозимлиги белгиланган. Йймонни бутун қилишга интилиш — бу эзгу амалнинг бошланиши — комиллик даражасининг дебоҳасидир, дейди алломалар. Шу боис исломда ва бошқа динларда ҳам йймонни бутун қилиш ўқтирилади.

«Илмга, комилликка интилмоқ — бу ҳаёт мазмунини янада бойитишга интилмоқдир. Ҳаётнинг ҳар дақиқасини ғанимат билиб, эзгу ишлар қилишга, савоб амалларни кўпайтиришга ва шу асосда маънавий оламни янада юксалтиришга интилишдир», — деб ўқтиришади алломалар.

Афсуски, айримлар буни тиллари билан тасдиқлайди, амаллари билан ёлгонга чиқаришади. Ваҳоланки, амалдаги ёлгон тилдаги ёлгондан хавфлироқдир. Йймонни бутун, бақувват қалбига келажакдаги муқаррар ҳафза-хатарни ҳис қила олади, Улуғ Зот хузрида, Ватан, эл-юрт, оила ва давлат олдида жавобгарлигини, масъулиятини ҳис этади.

Қадриддин ХАЛИЛОВ,  
Самарқанд давлат университети  
кафедра мудири, доцент.

## Бунёдкорлик

Пайариқ туманидаги Имом ал-Бухорий ёлдорлик мажмуаси атрофи улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланган. Бу халқимизнинг ободончилик ва бунёдкорликка жиддий эътибор қаратиши билан улуг ажодларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, улар мангу кўним топган масканларни обод этиш каби эзгу фазилатларни намойиш этаётганидан ҳам дарак.

## ЗИЁРАТГОҲ ҲУДУДИ

замонавий шаҳарчага  
айланмоқда

Самарқанд шаҳри билан туман марказини боғловчи йўлнинг мажмуагача бўлган 4 километри атрофида миллий архитектура аъналарига мувофиқ 31 та икки қаватли (икки хонадонли), учта уч қаватли (18 хонадонли) турар-жой бинолари қад ростлаяпти.

— «Қишлоқ қурилиш инвести» инженеринг компанияси Самарқанд филиали буюртмаси асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига вилоятимизнинг 24 та қурилиш ташкилоти жалб этилган, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ш. Тошпўлатов. — Яшаб турган уй-жойларига янги иморатлар тушаётган 33 та хонадон эгаларига уй қуришлари учун ер ажратилиб, 3,5 миллилар сўмдан ортқ тоvon пуллари тўлаб берилмоқда.

Шунингдек, йўл ёқаси қорхона ва ташкилотлар, тадбиркорларнинг ҳомийлик ёрдамлари эвазига ободонлаштириляпти. Хашар йўли билан яшил майдон ҳамда 22 та гулхона барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳудуддаги бозор, меҳмонхона, нурунийлар қойхонаси, муассасалар, савдо-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ижтимоий объектлар замон талаби асосида таъмирланмоқда.

—Туманимизда бошланган хайрли ишлардан четда қолмаслик мақсадида икки қаватли турар-жой биноси қурилишини зимманимизга олганмиз, — дейди «Пайариқ қурилиш инвести» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Х. Абжалов. — Ҳозиргача ишнинг салкам ярмини удаладики, қиш фасли арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллаяпмиз. Бунинг учун 12 нафар қурувчимиз тинимсиз меҳнат қилмоқда. Ойлик иш ҳақлари вақтида бериб бориляпти, икки маҳал иссиқ овқат ташкил қилганмиз.

Абдурасул САТТОРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари 6 октябрь кунин Фаргона вилоятида бўлди.

Юртимизда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, фуқароларнинг ўз диний маросимларини эмин-эркин адо этиши учун зарур шароит яратишга, динлар ва миллатларaro ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Эътиқод ва виждон эркинлигига доир кафолатлар Бош қомусимиз ва қонунларимизда қатъий белгилаб қўйилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллатларaro тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ён-атрофимизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўничилик муҳитини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари Фаргона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев билан учрашди. Унда вилоятда миллатларaro тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Бугунги кунда Фаргона вилоятида 7 миллий маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Барча миллатлар вакилларига ўз тили, урф-одат, аънава ва қадриятларини асраб-авайлаш, ривожлантириш учун тенг имкониятлар яратилган. «Наврўз», «Сабантўй», «Масленица», «Тан» каби байрам ва бошқа миллий маросимлар турли миллат вакиллари иштирокида кенг нишонланади. Маҳаллалар, турли маданият масканлари, таълим муассасаларида ташкил этилаётган тадбирлар миллатларaro дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга муҳим омил бўлаётди.

Аънавий ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шiori остидаги дўстлик фестивали ҳам маданият ва аънаваларни янада ривожлантириш, ёшлар онги ва қалбиди миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Фаргона шаҳридаги Миллий маданий марказда яратилган шароитлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари вилоятдаги миллий маданий марказлар ва диний конфессиялар вакиллари билан ҳам учрашди. Мулоқотда вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар эришаётган ютуқлар, ўзаро дўстлик ва ҳурмат ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларнинг аҳамияти ҳамда диний конфессияларнинг самарали фаолияти алоҳида қайд этилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА мухбири.

## Миллий матбуот марказида

## МЕТРОЛОГИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ ҚАНДАЙ?

«Ўзстандарт» агентлиги «Республика ҳудудида ягона ўлчаш бирлигини таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар: муаммо ва ечим» мавзудида матбуот анжумани ўтказди.

— Ягона ўлчов бирлигини жорий этиш тизими «Метрология тўғрисида»ги Қонунга асосан давлат метрология текшируви ва назорати меҳанизмлари асосида амалга оширилмоқда, — дейди «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат қорхонаси директори Дониёр Қодиров. — Муассасамизда бугунги кунда 15 турдаги ўлчаш воситаларини қиёслаш, калибрлаш, метрологик аттестация қилиш ишларини 24 лабораториядан қамраб олиб бормоқда. Бундан ташқари, қорхонамиз метрология соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳудудларда ўлчов бирлиги-

нинг ишончилигини таъминлаш, юқори аниқликдаги бошланғич ва намунавий ўлчов воситаларини сақлаш, янги-янгилари яратиш, назорат ва синаш воситаларини стандартлаштириш каби вазифаларни бажаради.

Бунинг учун қорхона лабораторияларида 155 та юқори аниқликдаги бирламчи ва 679 та намунавий ўлчаш воситаси мавжуд. 2016 йилда 2 миллион 252 минг донга ўлчаш воситаси метрологик текширувдан ўтказилди. Ҳудудларда метрологик хизматнинг ривожланиши ва кенгайиши натижасида ўлчов воситаларини қиёслаш учун Тошкентга олиб келиш зарурати кескин камайди.

Жорий йилда аҳоли ва ишлаб чиқарувчи ташилот-

ларга қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Яккасарой ва Чилонзор туманида ҳамда республикамизнинг чекка ҳудудларида 33 метрологик хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Бу борадаги ишларни янада тақомиллаштириш мақсадида 2018-2020 йиллар давомида яна 13 хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш ва замонавий ўлчов воситалари билан таъминлаш режалаштирилган. Миллий эталон базасини ривожлантириш учун 15 донга эталон харид қилинади. Шунинг эвазига хорижга қиёслаш учун олиб чиқилаётган 2 минг 122 донга юқори аниқликдаги ўлчов воситалари ўзимизда қиёсланади, йилига 1,3 миллион АҚШ доллари тежалишига эришилади.

Анжуманда бошқа истикболли лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Ўзининг деярли ярим асрлик умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган Эргаш Ашуров Қумқўрғон тумани, Янгиер маҳалласидаги 7-умумтаълим мактабидида аввал илмий бўлим мудири, сўнгра мактаб директори, мониторинг гуруҳи раҳбари вазифаларида ишлади.

У ўз устиди тинимсиз ишлаш билан бирга ўқитувчиларни ҳам фаолликка даъват қиларди. Мактабда ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар, очик мулоқотларга ўзи бош бўларди, шоир-ёзувчилар, турли соҳа мутахассислари билан учрашувлар ўтказарди.

Қаттиққўл, талабчан раҳбар таълимга илгор педагогик технологияларни жалб этиш, ўқитувчи дарсга ҳеч бўлмаса, бирорта янгилик билан киришига алоҳида эътибор қаратарди. Ана шу хизматлари учун жонқуяр муаллим 2016 йилда «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Эргаш Ашуров умр йўлдоши билан тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Улар ҳам ота изидан бориб, педагогик касбини танлашган.

Мен қачон Эргаш Ашуровни соғинсам, тўппа-тўғри мактабга йўл оламан, уни ҳар доим шоғирдлари даврасида кўраман. Устознинг камтарлиги, камсуқумлиги моҳиятида катта билим ва кўп йиллик бой тажрибани ҳис қилман, эзуликка, ёшлар тарбиясига ўз умрини бағишлаган инсоннинг янги-янги қирраларини кашф этаман.

Пенсияга чиққан бўлишига қарамай, устоз ҳозир ҳам ўз ўрнини мактабда, педагог ва ўқувчилар орасида, деб билади. Таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишга билим ва тажрибалари билан ҳисса қўишини ўз бурчи, деб ҳисоблайди.

НИГОРА АШУРОВА,  
Тошкент фармацевтика институти  
тиллар кафедраси ўқитувчиси.

«Нафс бир отдир, руҳ унинг чавандози. Нафсни жиловлай олсанг, уни бошқариб бўйсундирсанг, демек сен юксалибсан. Агар у сени бўйсундирса, олиб қочади ва ҳалок этади»

Президентимиз фармонида бинодан ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлардан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар сафида «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвонига сазовор бўлган самарқандлик Феруза Гаффорова ҳамда қашқадарёлик Назокат Воҳидовалар ҳам бор.

## ЎҚИТУВЧИ БОЛАЛАРНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШИ ВА АРДОҚЛАШИ КЕРАК

— Нафақага чиққанамиз 3 йил бўлди, энди дам олсам бўлар, деб ўйлаб турган эдим, бу ҳушхабар мени янада руҳлантириб юборди, — дейди Самарқанд шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси Феруза Гаффорова. — Энди олдингидан ҳам самаралироқ ишлашга ҳаракат қиламан. Менинг камтарона меҳнатим бу қадар юксак тақдирланганидан гоёт хурсанд бўлдим. Ҳар йили билимлар беллашуви, фан олимпиадаларига ўқувчиларимни тайёрлайман. Нафақат бир-иккита, балки барча ўқувчиларим математикани чуқур билишини истаётим. Чунки математика — ақл гимнастикаси. Уни билган ўқувчи эртага ўзи истаган касбни осон ўзлаштиради. Болаларимиз қобилиятли, биз педагоглар ана шу қобилиятни юзага чиқаришимиз керак. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўз устида доимий ишлаши, изланиши, юқори интеллектуал салоҳиятга эга, профессионал бўлиши керак. Ўқитувчи маълум бир мавзунинг ўқувчиларга тушуниришдан олдин, аввало уни ўзи чуқур тушуниб олса, болаларга осонлик билан етказиб бера олади.

Ота-оналар масъулиятли бўлиши керак. Улар мактабда ўқитувчини ўргатапти, шуни ўзи етарли, деб ўйлашади. Баъзи ота-оналар борки, фарзандини уй ишини мактабда ўқитувчиси билан бирга тайёрлайди, деб қутиб ўтиришади. Аксинча, ота-она фарзандини биринчи, иккинчи синфидангина у билан бирга уй ишини тайёрласа, бола фанларни тез ўзлаштиради ҳамда ота-она ва фарзанд ўртасидаги меҳр-оқибат янада мустаҳкамланади. Ўқувчиларимга математикани ўргангани, уқангга, синглингга ўргатасан, дейман.

Мактабда ўқиб юрган вақтимда фаол эмасдим. Дарс жараёнида тушулмаган нарсаларни ўқитувчидан сўрашга тортинганман. Ўша вақтда шундай ўқитувчи бўлайки, шундай ўргатайки, ўқувчиларимда ортиқча савол қолмасин, тушулмаётган ўқувчи ҳам сўрашдан чўчимасин, уялмасин, деб ўзимга сўз берганман. Бугун ози-қўлми мақсадиимга эришдим, деб ўйлайман. Ўқувчиларим математика фанидан чўчимаслиги, аксинча, қизиқиши учун қўлимдан келганича ҳаракат қиламан.

**Назокат Воҳидова, Шаҳрисабз туманидаги 78-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси:**

— «Халқ ўқитувчиси» деган бу икки сўз замирида шундай оғир юк, масъулият борлигини билмаган эканман. Энди мутлақо бошқача ишлаш, касбимизга янгича ёндашув зарурлигини ҳис этяпман. Мен энди синфга оддий ўқитувчи эмас, балки Халқ ўқитувчиси сифатида қираман. Демак, ҳар қачонгидан кўпроқ изланишим керак бўлади. Бу ютукка эришишимда аввало ота-онам ва устозларимнинг хизматлари катта. Отам математика фанидан дарс берган, онам бошланғич синф ўқитувчиси бўлган. Бугунги муваффақиятларим аввало улар меҳнатининг меваси, деб ўйлайман.

Бошланғич таълим ўқитувчиси биринчи ўринда болаларни севиши керак. Агар у болаларни севмаса, уларнинг қалбига йўл топа олмайди. Шунингдек, болалар психологиясини, адабиётни, санъатни кучли билиши лозим. Уларнинг юз-қўзига қараб мактабга қай аҳволда, қандай мақсадда келганини ўқий олиши керак.

Айрим ота-оналар кўпроқ бошланғич синфларда фарзандларининг ўқишига эътибор беришади. Юқори синфга чиққанидан сўнг, энди у катта бўлди, бошланғич синфни аёло баҳога ўқиди, деб боласини ўз ҳолига ташлаб қўяди. Натижада бошланғич синфда яхши ўқиган боланинг баҳолари вақт ўтгани сари пасайиб боради. 5-синф юқори синфга мослашув даври бўлиб, бу вақтда ота-оналар ҳам, устозлар ҳам ўқувчиларга катта аҳамият бериши керак. Умуман, ота-она назоратни қаттиқ ушласа, фарзанди юқори синфда ҳам аёло баҳога ўқиди. Бошланғич синфдан 15-20 нафар ўқувчимиз тўлиқ бешга ўзлаштириб, 9-синф охирида бундайларнинг сони 5-6 нафарини ташкил қилса, бунда ота-оналар, ўқитувчилар айбдор бўлади.

Қишлоғимизда боғча йўқ. Болалар тўғридан-тўғри оиладан келишади. Бу бизга кўп қийинчиликлар туғдиради. Тўғри, айрим ўқимчи оилаларнинг фарзандлари мактабга тайёр бўлиб келади. Мактабга таълим муассасаси бўлса, бола ўтиришни, ёзишни, чизишни ўрганади. Биз ҳам уларга янада чуқурроқ билим беришга эришамиз. Ёмон ўқувчининг ўзи йўқ, ҳамма бола иқтидорли. Фақат унга ўргатиш йўллари билиш керак.

Биринчи мутахассислигим психолог, иккинчи мутахассислигим бошланғич таълим ўқитувчиси. Агар ўқитувчи психологияни билса, вазиятдан чиқиб кетишни, қанақа ҳолатга тушмасин, ўзини бошқара олиши билади. Ота-она, болалар ёки бошқа ўқитувчилар муаммоси билан келган вақтда уни ҳал қилишга ёрдам бера олади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири  
Шаҳбоз САИДОВ ёзиб олди.**

# КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

инсон қалбида жўшқинлик уйғотади, ҳаётга муҳаббат, эртанги кунга умидворлик туйғуларини мустаҳкамлайди



Санжар ШОТЎЛАНОВ олган сурат.

Республика онкология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят филиали директори, тиббиёт фанлари доктори Абдулла Абдуҳақимовнинг «Сирли саратон» китоби муаллифнинг узок йиллик изланишлари маҳсули бўлиб, айнан онкология ва онкологик касалликлар, унинг муолажаси, даволаш усуллари хусусида ўзбек тилида чоп этилган илк манбалардан бири саналади.

Инсон бир умр мўъжиза излаб яшайди. Аслида унинг ўзи буюк мўъжизакор. Киши ўзидаги кўрк, ишонсизликни умид, ишонч туйғуларига алмаштириш қобилиятига эга. Масалан, у бирон нимадан кўркса, тушқунликка тушади, руҳан эзилади, ва охир-оқибат маълум бир касаллик орттиради. Аксинча, одам оғир бир касаллик билан оғриган бўлса-ю, бироқ уни енгиласан ахд қилса, ўз-ўзини ишонтира олиши орқали албатта бу дарддан фориғ бўлиш қудратига эга.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилган «Сирли

саратон» китобининг тақдимида соҳа мутахассислари, кенг жамоатчилик, ёшлар ҳамда Абдулла Абдуҳақимовнинг қўлида шифо толган инсонлар иштирок этди. Тақдимотда мазкур китобнинг рецензентлари, тиббиёт фанининг таниқли намояндалари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Рисола ўта халқчил, кенг қамровда ёзилган бўлиб, унда саратон касаллигига чалинган кишининг дарди ва уни даволаш, беморнинг изтироби ва ундан қутулиш йўллари оддий ва содда тилда, ишонарли тарзда кўрсатиб берилган, — деди тадбирда сўзга чиққан академик Аҳмадали Асқаров. — Унда саратон касаллигини келтириб чиқарадиган омиллар, касаллик даражалари, унга дуош бўлган беморларни даволаш йўлидаги жарроҳлик, кимётерапия, биотерапия, нур терапия усуллари ҳақида тегишли маълумотлар берилган. Бундай илмий-оммабоп рисоланинг китобхоналар оммасига тавсия этилиши бугунги кунда ўта долзарб ва ҳаётий заруриятдир.

— Китобда саратоннинг этимологияси, тарихи, онкологик шифокорлар, даволаш усуллари ҳақида батафсил маълумотлар берилган, — деди Республика онкология илмий маркази директори ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абзорбек Юсупбеков. — Бундан ташқари, муаллиф саратонга чалинган инсонларни келажакка ишонч билан қарашга

ўргатади ва касалликнинг олдини олиш бўйича фойдали тавсиялар беради.

— Асарнинг менга ёққан жиҳати шу бўлдики, унда тиббиётдан йироқ инсон учун тушуниш осон бўлган содда тилда онкология ва онкологик касалликлар, уларни даволаш усуллари ҳақидаги фикрлар раво берилган, — деди тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов. — Бемор ва унинг яқинларига бу касаллик ҳақида тўғриси айтиш, ҳаётга ишониб яшаш, шунингдек, саратоннинг олдини олиш юзасидан зарур далиллар ва тегишли тавсиялар келтирилган.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент вилоят солиқни сақлаш божқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Низом Абдуллаев «Саратон сирлари» деб номланган ушбу қўлланма Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизмати янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига, аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилиши ҳақида ўз фикрларини билдирди. Унинг таъкидлашича, асарнинг яна бир қимматли томони шундаки, муаллиф фикрлари улғу мутафаккирларнинг нодир сўзлари билан тўлдирилган, изоҳланган.

— Бундай китоблар халқимиз учун жуда ҳам зарур ва

уларни кўплаб нусхада чоп этириш керак, — дейди Халқ таълими аълочиси, публицист Обиддин Махмудов. — Чунки одамзот нималарга қодир эканлигини мана шундай асарлар орқали англайди, ўзидаги мўъжизакор кучга ишониб умргузаронлик қилади.

Тадбирда асар муаллифининг қўлида шифо толган инсонлар ҳам ўз дил изҳорларини билдирдилар.

— Мен ўтган йили шифохонага келиб, ўзимга қўйилган ташхис бўйича Абдулла Абдуҳақимовга учрашган эдим, — дейди Дилноза Пўлатова. — Бу инсоннинг ҳушмуомаласи, аниқ қўйган ташхиси ва ўзимнинг тузалишга бўлган қаттиқ ишончим дарддан халос бўлишимга сабаб бўлди. Китоб тақдимида интернет ижтимоий глобал тармоқлардаги янгиликлар тўғрисида етиб келдим. Биласизми, мен саратон касаллигига чалинган ва ундан бутунлай фориғ бўлиб кетган бир инсон сифатида шуни айтмоқчиманки, ўз кучингизга ишонинг, албатта, соғайиб кетасиз.

— Ёш бўлишимга қарамасдан, ҳаётдан бутунлай умидимни узган эдим, — дейди Ширин Раҳматова. — Кун сайин тушқунликка тушиб, умримнинг сўнгги дақиқаларини яшаётгандек эдим, гўё. Тақдир мени Абдулла Абдуҳақимовга дуч қилди. У кишининг қўлида узок вақт даволандим, кимётерапия, нур терапия олдим. Моҳир табиб ва олижаноб инсон Абдулла Абдуҳақимов соғайиб кетишимга мени қаттиқ ишонтира олди ва ҳозир сопа-соғман. «Сирли саратон» китоби айнан мен каби тушқунликка тушган, бу касалликдан кўрқиб, соғайишдан умид узганлар учун дил малҳами, сирдош ва суҳбатдоши бўлишига ишончим комил.

Китоб саратон касаллигига чалинган инсонларни келажакка ишонч билан яшашга ўргатади ва унинг олдини олиш бўйича зарур тавсиялар беради. Келажакка ишонч эса инсон қалбида жўшқинлиқни уйғотади, ҳаётга муҳаббат, эртанги кунга умидворлик туйғуларини мустаҳкамлайди.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Спорт

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича Гран-при мусобақаси бошланди. Соврин жамоаси 100 000 АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг 27 давлатидан 200 нафарга яқин спортчи голиблик учун кураш олиб боради.

## ГРАН-ПРИ МУСОБАҚАСИДА 55 НАФАР СПОРТЧИМИЗ ҚАТНАШМОҚДА



Мусобақа регламентига қўра, мезбон давлат ҳар бир вазн тоифасида тўрт нафар спортчи билан қатнашиши мумкин. Ушбу имкониятдан фойдаланган Ўзбекистон дзюдо федерацияси Гран-при беллашувларида 55 нафар спортчини жалб қилди.

Кеча эркаклар ўртасида -60 ва -66 килограмм вазн тоифаларида беллашувлар бўлиб ўтди. -60 килограмм вазнда бронза медали учун курашда Шарофиддин Лутфиллаев бошқа бир спортчимиз Муҳриддин Тилововни мағлубиятга уратди. -66 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда спортчимиз Сардор Нуриллаев Исроил вакили Барух Шмаиловни мағлуб этиб, бронза медалига сазовор бўлди.

Шу тарика, дзюдочиларимиз турнирнинг биринчи кунда иккита бронза медалини қўлга киритди.

Маълумот учун, Тошкент Гран-приси 2013 йилдан бери ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Терма жамоамиз аъзолари шу пайтга қадар икки марта умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган. Дастлаб 2013 йилги мусобақада 5 олтин, 3 кумуш ва 5 бронза медали билан биринчи ўрин забт этилган бўлса, 2016 йилда 6 олтин, 3 кумуш ва 11 бронза медали билан умумжамоа ҳисобида голиблик қўлга киритилганди.

Турнир 8 октябрга қадар давом этади.

**Ўз мухбиримиз.**

| БҲҲҲҲ                                             | Об-ҳаво<br>маълумоти | (°C) |
|---------------------------------------------------|----------------------|------|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва<br>Хоразм вилояти | <b>+20</b>           | +5   |
| Бухоро ва Навоий<br>вилоятлари                    | <b>+22</b>           | +10  |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё<br>вилоятлари | <b>+22</b>           | +10  |
| Қашқадарё, Сурхондарё<br>вилоятлари               | <b>+22</b>           | +10  |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари             | <b>+20</b>           | +10  |
| Тошкент шаҳри                                     | <b>+19</b>           | +7   |

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

|                    |                  |                                                         |
|--------------------|------------------|---------------------------------------------------------|
| Hotamjon KETMONOV  | Muslihidin       | Farrux HAMROYEV<br>(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Ulug'bek VAFOYEV   | MUHIDDINOV       | Tat'yana KISTANOVA<br>(Bosh muharrir o'rinbosari)       |
| Saidkamol XODJAYEV | Ochilboy RAMATOV |                                                         |

**Qabulxona — 233-65-45**

**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**

**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonada mo'ljall: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

**Г — 1038  
8879  
naxxada  
bosildi.**

**Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari**  
O'zA yakuni — 01:10  
Tophirilgan vaqti — 02:55

**Sotuvda kelishilgan narxda**

Navbatchi:  
Abdusalim MAHMUDOV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5